

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
РЕСПУБЛИКА**

**ЎҚУВ МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

# **“ТЕЖАМКОРЛИК САБОҚЛАРИ”**

**(Мактабгача таълим муассасалари учун дастур )**

**Тошкент -2015й**

## **Аннотация**

Ушбу дастурда мактабгача ёшдаги болаларда илк тежамкорлик тушунчаларини шакллантириш орқали, уларнинг онгида атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ер, ер ости бойликлари, сув ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англаш каби ижобий хислатларни таркиб топтириш бош мақсад қилиб олинган.

Дастур болаларни ер, ер ости бойликлари, сув, ҳамда бошқа табиий заҳиралар тежаш муҳофаза қилишга чақиради. Шунингдек, дастурда уйда, кўчада ўзини тутиш, қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жиҳозларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва бу нарсалардан болаларнинг фойдаланишлари қатъиян ман қилинганлиги ҳақида, сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишдан илк сабоқлар баён қилинади.

## **Муаллифлар:**

1. М.Н.Аъзамова
2. М.Файзуллаева
3. М.Рустамова

## **Такризчилар:**

**1.Х. Ризаева - Тошкент ш. Юнусобод тумани 366-МТМ  
мудираси**

**2.С.Мажидова- Тошкент ш. Учтепа тумани 550-МТМ  
методисти**

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия сифимларини қисқартириш энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чоратадбирлари Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2343- рақамли қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб мактабгача таълим тизимида "Тежамкорлик сабоқлари" дастури асосида таълим-тарбия ишларини олиб бориш вазифаси қўйилган.

Ўқиши махсус дастурлар асосида олиб борилади. Мактабгача таълим муассасаларида тежамкорликни ўрганиш бўйича "Тежамкорлик сабоқлари" махсус курси ўргатилади.

Ҳар бир бола тежаш –бу нарсаларни исроф қиласмилик, уни қадрлаш, ҳар бир табиий бойликларни (сув, газ, электр токи), ўз меъёрида ишлата билиш, ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англашни гўдаклигидан ўрганиши лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида тежамкорликни ўрганиш бўйича **"Тежамкорлик сабоқлари" дастур асосида уч босқичда олиб борилади:**

- 1.Ўрта ёш (4-5 ёш)
- 2.Катта ёш (5-6 ёш)
- 3.Мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)

"Тежамкорлик сабоқлари" **дастурининг мақсади** болаларда умумий ахлоқ меъёрлари талабларига жавоб берадиган, уларнинг шахс сифатида камол топишига асос бўла оладиган иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

### **Дастурнинг вазифалари:**

болаларда ҳаётдаги ижобий ва салбий ҳолатларга нисбатан сезгириликни таркиб топтириш;

умумий ахлоқ кўникмаларини ривожлантириш, жамоат жойларида ўзини тутушни, ер ости бойликларини (сув, газ, электр токи) исроф қиласмилик, уни қадрлашни тарбиялаб бориш;

Мактабгача ёшидаги болаларга тежамкорлик ҳақида таълим-тарбия беришда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Тежамкорлик қоидаларни баён қилиб беришда ўйин усулларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Тежамкорлик сабоқлари интеграциялашган машғулот тарзида: атроф-мұхит, табиат билан таништириш, бадий адабиёт, одобнома, тасвирий фаолият машғулотларини мужассамлаштирган ҳолда олиб борилади. Қуйида мактабгача таълим муассасаларида "Тежамкорлик сабоқлари" дастурининг мавзуларини режалаشتариш тақдим этилади.

### **Мактабгача таълим муассасаларида "Тежамкорлик сабоқлари" дастури бўйича мужассам машғулотларнинг режаси ва мазмуни**

#### **Ўрта гурух**

<b>T/P</b>	<b>Мавзулар</b>
<b>I-БОБ. Чароғон хонодон</b>	
<b>1</b>	Уйимизда чироқ бор
<b>2</b>	Телефондан фойдаланиш қоидалари
<b>3</b>	Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( электр розеткалари ва электр жиҳозлар)
<b>4</b>	Электр токини тежаймиз
<b>5</b>	"Чароғбон" касби билан таништириш
<b>6</b>	Зўр мултфильм кўрамиз
<b>7</b>	"Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини дазмоллаймиз" таълимий ўйин
<b>8</b>	"Қўчамиздаги чироқлар" расм иши
<b>9</b>	З.Ибраҳимова."Чироқ-ёруғлик" ҳикоясини ўқиб бериш
<b>II-БОБ. Сувни эъзозлаш</b>	
<b>1</b>	"Сувни эъзозлаш" ҳақида сухбат
<b>2</b>	Қўл ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш
<b>3</b>	Тиш ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш
<b>4</b>	"Бола уйда ёлғиз" сухбат
<b>5</b>	"Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини ювамиз" таълимий ўйин
<b>6</b>	Полиз ўсимликларини парвариш қилиш
<b>7</b>	"Сув кимга керак?" таълимий ўйин
<b>8</b>	Ў.Хошимов "Томчи ҳақида эртак"
<b>9</b>	"Сувни қадрла" номли шеърни ўқиб бериш
<b>III-БОБ. Газ ўта фойдали, лекин...</b>	
<b>1</b>	"Онамиз-пазанда" сухбат
<b>2</b>	Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( гугурт, газ плитасини ёқиши, печка ёқиши)
<b>3</b>	Ўт ўчирувчилар меҳнати билан таништириш
<b>4</b>	"Ёнғин" шеърини ўқиб бериш
<b>5</b>	"Хаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар" сухбат

<b>6</b>	“Ошхона буюмлари ” таълимий ўйин
<b>7</b>	“Кўғирчоқ Лолаҳонни овқатлантирамиз” таълимий ўйин
<b>8</b>	«Тежамкорлик- яхши одат» сухбат

## **I-БОБ. Чароғон хонодон**

1-мавзу. Уйимизда чироқ бор.

Болаларга чироқ орқали уйларимиз ёруғ, дилларимиз равшан эканини тушунтириш. Чироқни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунча бериш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёкиш тутмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш.

### **2-мавзу. Телефондан фойдаланиш қоидалари**

Болаларга телефон электр куввати туфайли ишлаши ҳақида тушунча бериш. Телефондан фойдаланилганда унинг симларини ўйнамаслик, симларига шикаст етказмаслик кераклиги ҳақида тушунча бериш.

Телефон хизматининг ўзига хос авфзаллик ва салбий томонлари борлиги ҳақида сухбатлашиш. Телефондан доимий фойдаланиш ҳам инсон соғлигига зарар эканлигини, уяли телефонлар ундан ҳам зарари кўплигини уктириш.

Болаларга телефондан фойдаланиш қоидаларини, яқин инсонларнинг телефон рақамларини билишларини тушунтириш. Телефон орқали ҳақиқий сўзлашишни маҳсус машқлар жараёнида мустаҳкамлаш ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

### **3-мавзу. Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш. ( электр розеткалари ва электр жиҳозлар)**

Боллаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: гугурт, зарядли ўт олдиргичнинг инсон ҳаётига хавф солиши ҳақида сухбатлашиш.

Болаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, зарядли ўт олдиргич, газ плитасини ёкиш, печка ёкиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар билан таништириш.

Болаларга гүгүрт, газ плитасини ёкиш, печка ёкиш, электр розеткалари ва электр жиҳозларäаí фақатгина катталар фойдаланиши мумкинлигини тушунтириш. Бу нарсалардан болаларнинг фойдаланишлари қатъиян ман қилинганлиги ҳақида огоҳлантириш. Бола ҳар қандай вазиятда ҳам мустакил равишда гүгүрт ишлатишда, газ плитасини ёкиши, электр жиҳозларидан фойдаланиши, ,кёëаí ýёëёдд ѫ÷ёæёдёеíа íёëёаà ўкёеëёøёëёдё мумкин эмаслигини тушунтириш. Тушунтириш давомида турли бадиий асарлар, ўйинлардан ôíёëёëёëё.

## **4-мавзу. Электр токини тежаймиз**

Болаларга электр токига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш, электр токини тежашга ўргатиш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёқиши тутгмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

**5-мавзу. “Чароғбон” касби билан таништириш.**

Болаларни чароғбон касби ҳақидаги билимларни аниклаш ва кенгайтириш. Чароғбон бўлиш учун қандай билим, тажрибага эга бўлиш кераклиги ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Чароғбон касбига бўлган муҳаббатни ошириш.

## **6-мавзу. Зёр мултфильм күрамиз**

Болаларга телевизор электр қуввати туфайли ишлаши ҳақида тушунча бериш. Телевизордан фойдаланилганда унинг олдига яқин бормаслик, унинг муруватларини бекорга босмаслик, телевизорни яқиндан кўриш кўзга ёмон таъсир кўрсатиши ҳақида тушунча бериш.

Телевизор күриш қоидалари ҳақида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

## **7-мавзу. “Құғирчоқ Лолахонни кийимини дазмоллаймиз” таълимий ўйин**

Болаларга дазмол, дазмол қилиш, дазмолланган кийимлар сип-силлик, чиройли бўлиши ҳақида тушунча бериш. Мазкур ўйин орқали болаларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини тарбиялаш.

Машғулот давомида болаларга дазмол электр қуввати туфайли ишлаши ҳақида тушунча бериш. Катталар дазмолдан фойдаланганларида уларнинг олдига яқин бормаслик, акс ҳолда бирор жойлари иссиқ дазмолдан куйиб қолишлари мумкинлиги ҳақида тушунча бериш.

Дазмолдан фойдаланиш қоидалари ҳақида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

#### **8-мавзу. “Кўчамиздаги чироқлар” расм иши**

Болаларга “Кўчадаги чироқлар” мавзусида мустақил ижод қилиш учун шароит яратиб бериш. Чироқларни гуаш бўёғи билан чизиш, унинг тузилиши, жойлашишига аҳамият бериш. Мўйқалам билан ишлаш техникасини шакллантириш: мўйқаламни эркин ва ишонч билан юргиза олиш. Ишга нисбатан мустақиллик, ишонч, тартиб билан ишлашга ўргатиш. Ўз кўчаларига нисбатан муҳаббат уйғотиши.

#### **9-мавзу. З. Иброхимова.“Чироқ-ёруғлик” ҳикоясини ўқиб бериш**

Болаларни ҳикояга қизиқтириш, ҳикоя мазмунини тушунишларига ёрдам бериш, чироқни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунча бериш.

### **П-БОБ.Сувни эъзозлаш**

#### **1-мавзу. “Сувни эъзозлаш” ҳақида сухбат**

Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювениш, дехқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга ҳузур , табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақол, ҳикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтириш.

#### **2-мавзу. Қўл ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш**

Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Болаларга қўл ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда кўрсатиб бериш. Қўл ювиш вақтида сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

#### **3-мавзу. Тиш ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш**

Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Болаларга тиш ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда кўрсатиб бериш. Тиш ювиш вақтида сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

#### **4-мавзу. “Бола уйда ёлғиз” сухбат**

Болаларга уйда ёлғиз қолғанларида сув кранларини очық қолдирмаслик, сувга эхтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

**5-мавзу. “Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини ювамиз” таълимий ўйин**  
Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш. Болаларга куйлакни тоза ювиш, тоза чайиш, илиб қуритиш ҳақида тушунча бериш. Куйлак қуриб бўлгач дазмоллаш кераклигини тушунтириш. Болаларга қўғирчоқни кийимини ювиш орқали сувга эхтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

### **6-мавзу. Ўсимликларини парвариш қилиш**

Болаларнинг полиз ўсимликлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Болаларнинг полиз ўсимликларига бўлган қизиқишилари ва уларни парваришлишга бўлган иштиёқларини ривожлантириш. Болаларга ўсимликларини парвариш қилишда оқар сувлардан фойдаланиш, ичимлик сувини тежаш, сувни исроф қилмаслик ҳақида тушунча бериш.

### **7-мавзу. “Сув кимга керак?” таълимий ўйин**

Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар учун кераклиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювиниш, дехқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга ҳузур , табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақол, хикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтиришда давом этиш.

### **8-мавзу. Ў.Хошимов “Томчи ҳақида эртак”**

Болаларни адабий эртакка қизиқтириш, маъносини тушунишларига ёрдам бериш. Сувнинг ер ва осмон оролиғида айланиши ҳақида тушунча бериш. Болаларни мантиқий фикрлашга ундаш. Ичимлик сувини тежашга ўргатиш.

### **9-мавзу. “Сувни қадрла” шеърини ўқиб бериш**

Болаларни шеър мазмунига қизиқтириш, маъносини тушунишларига ёрдам бериш. Сувнинг инсон, ўсимликлар учун зарурлиги, табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш. Сувни

исроф қиласлик, уни асрашга оид мақоллар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтириш.

### **Ш-БОБ. Газ ўта фойдали, лекин...**

#### **1-мавзу. “Онамиз-пазанда” сұхбат**

Болаларни ота-онасига ошхона ишларига ёрдам беришга одатлантириш. Ўзи қилган ишнинг бошқаларга фойдаси борлигини билишга, бошлаган ишини охирига етказиб, ҳаммага ёқадиган бўлишга ундаш. Меҳнатнинг натижасини кўрганда қувонишни тушунтириш, меҳнатга тўғри муносабатни тарбиялаш. Ошхона асбобларидан эҳтиёткорона фойдаланишга ўргатиш. Болаларга ошхонада газдан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш;

Болаларга ошхонада газ ҳидини сезишлари билан дархол катталарга айтиш зарурлигини билиш ҳақида тушунча бериш.

#### **2-мавзу. Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( гугурт, газ плитасини ёқиши, печка ёқиши)**

Болаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиши, печка ёқиши, электр розеткалари ва электр жихозлар билан таништириш.

Газни тушунган ҳолда қўллаганда оилалар учун ўта фойдали экани, уларнинг оила юмушларини енгиллаштириши, агарда улардан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дархол катталарга айтиш зарурлигини билиш.

#### **3-мавзу. Ўт ўчирувчилар меҳнати билан таништириш**

“Ўт ўчирувчи” касби ҳақидаги билимларни аниқлаш. Одамларни хавф-хатардан муҳофаза қилаётган ташкилотлар ишлари билан таништириш. Кишиларнинг мол-мулклари ва ҳаётларини ҳавф остида қолишига нималар сабаб бўлиши ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишларига эришиш. Ўт ўчиришда замонавий асбоб-ускуналар билан таништириш. Нима учун хизмат қилишини ўргатиш.

#### **4-мавзу. “Ёнғин” шеърини ўқиб бериш**

Болаларга шеърни ўқиб бериш орқали гугурт билан ўйнаш ёнғинга олиб келишини, ёнғин - ҳалокат, кулфат экани ҳақида расмлар орқали тушунча бериш. Ёнғиннинг келиб чиқиши сабаблари ва олдини олиш йўллари ҳақида тушунча бериш. Ёнғинга қарши қонун-қоидалар билан таништириш. Болаларга гугурт ўйнамаслик, газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билишга ўргатиш.

#### **5-мавзу. “Ҳаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар” сухбат**

Болаларга тасодифий вазиятлардан чиқиши учун телефондан фойдаланиш қоидаларини, таниши ва яқин инсонларнинг телефон рақамларини билишларини ўргатиш. Болаларни телефон билан ўйнашни тасодифан телефон қилишдан фарқлашга ўргатиш. Телефон орқали ҳақиқий сўзлашибни маҳсус машқларда мустаҳкамлаш ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

#### **6-мавзу. “Ошхона буюмлари ” таълимий ўйин**

Ошхона идишлари ва анжомларини (газ плитаси, козон, капкир, чўмич) фарқлашга, номларини тўғри айтишга ўргатиш. Ўйин давомида ошхонада болаларга қатъиян тақиқланган нарсаларни: гугурт ўйнамаслик, газ плитасини ёқмасликни тушунтириш.

#### **7-мавзу. “Қўғирчоқ Лолаҳонни овқатлантирамиз” таълимий ўйин**

Болаларни овқатланиш одобига ўргатиш. Болаларни овқатланиш вақтида ишлатиладиган анжомлар билан таништириш ва сўз луғатини бойитиш. Ўйин давомида ошхонада болаларга қатъиян тақиқланган нарсаларни: гугурт ўйнамаслик, газ плитасини ёқмасликни тушунтириш.

#### **8-мавзу. «Тежамкорлик- яхши одат» сухбат**

Тежаш — бу нарсаларни исроф қиласлик, уни қадрлаш, ҳар бир буюмни ўз меъёрида ишлата билиш эканлиги. Исрофгарчиликка йўл қўймаслик, режалилик ҳар бир оиласа қут-барака, баҳт-саодат олиб келиши. Исрофгарчиликнинг охири начорлик, хор-зорликка олиб келишишини ривоят, ҳикоятлар орқали тушунтириш.

**Мактабгача таълим муассасаларида "Тежамкорлик сабоқлари"  
дастури бўйича мужассам машғулотларнинг режаси ва мазмуни**

**Катта гурух**

<b>T/P</b>	<b>Мавзулар</b>
<b>I-БОБ. Чароғон хонодон</b>	
1	Уйимизда чироқ бор
2	Электр жиҳозлари ва уларга эҳтиёткорлик чоралари
3	Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( электр розеткалари ва электр жиҳозлар)
4	Электр токини тежаймиз
5	“Чароғбон” касби билан таништириш
6	“Бола уйда ёлғиз” сухбат
7	“Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини дазмоллаймиз” таълимий ўйин
8	“Қўчамиздаги чироқлар” расм иши
9	<b>Пўлат Мўмин. “Чароғбон” шеърини ўқиб бериш</b>
<b>II-БОБ. Сувни эъзозлаш</b>	
1	“Сувни эъзозлаш” ҳақида сухбат
2	Қўл ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш
3	Тиш ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш
4	“Бола уйда ёлғиз” сухбат
5	“Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини ювамиз” таълимий ўйин
6	Полиз ўсимликларини парвариш қилиш
7	“Сув кимга керак?” таълимий ўйин
8	Сувни тежаш ҳақида мақолларни ўрганиш
9	Сув ва дараҳт ҳикоясини ўқиб бериш
<b>III-БОБ. Газ ўта фойдали, лекин...</b>	
1	“Онамиз-пазанда” сухбат
2	Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( гугурт, газ плитасини ёқиши, печка ёқиши)
3	Ўт ўчирувчилар меҳнати билан таништириш
4	“Ёнғин” мавзусида сухбат
5	“Хаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар” сухбат
6	“Ошхонада” таълимий ўйин
7	Газ плитаси расм иши
8	“Қўғирчоқ Лолаҳонни овқатлантирамиз” таълимий ўйин
9	«Тежамкорлик- яхши одат» сухбат

## **1-мавзу. Уйимизда чироқ бор.**

Болаларга чироқ орқали уйларимиз ёруғ, дилларимиз равшан эканини тушунтириш. Чироқни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунча бериш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёкиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш.

## **2-мавзу. Электр токи, у қаердан олинади?**

Болаларга электр токи, у қаердан олиниши ҳақида қисқача маълумот бериш. Катталар меҳнатини қадрлаш, чироқни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёқиши тутмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

## **2-мавзу. Электр жиһозлари ва уларга әхтиёткорлик чоралари**

Болаларга электр жиҳозлари, уларнинг электр қуввати орқали ишлаши хақида тушунчаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш. Болаларни электр токига нисбатан эҳтиёткорона муносабатларини тарбиялаш ҳамда электр токини тежашга ўргатишда давом этиш.

Қатъиян тақиқланган нарсалар: электр розеткалари ва электр жиҳозларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва бу нарсалардан болаларнинг фойдаланишлари қатъиян ман қилинганлиги ҳақида огохлантириш.

**З-мавзу. Айрим нарсаларга түғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишини ман қилиш.( электр розеткалари ва электр жихозлар)**

Болаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф тугдирадиган нарсалар: қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёкиш, печка ёкиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар билан танишириш.

## **4-мавзу. Электр токини тежаймиз**

Болаларга электр токига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш, электр токини тежашга ўргатиш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёқиши тутмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

#### **5-мавзу. “Чароғбон” касби билан таништириш.**

Болаларни чароғбон касби ҳақидағи билимларни аниклаш ва кенгайтириш. Чароғбон бўлиш учун нима иш қилиш керак, чароғбон қандай билим, тажрибага эга бўлиши кераклиги ҳақидағи билимларни кенгайтириш. Чароғбон касбига бўлган мухаббатни ошириш.

#### **6-мавзу. “Бола үйда ёлғиз” сұхбат**

Болаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф түғдирадиган нарсалар: қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёкиш, печка ёкиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар билан таништириш.

Болалар ёшини инобатга олган ҳолда эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш керак бўлган нарсалар: игна, қайчи, пичоқ;

Телевизордан фойдаланилганда унинг олдига яқин бормаслик, унинг муруватларини бекорга босмаслик, телевизорни яқиндан кўриш кўзга ёмон таъсир кўрсатиши ҳақида тушунча бериш.

Бола уйда ёлғиз мавзусида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

## **7-мавзу. “Құғирчоқ Лолахонни кийимини дазмоллаймиз” тағымырттың үйін**

Болаларга дазмол, дазмол қилиш, дазмолланган кийимлар сип-силлик, чиройли бўлиши ҳақида тушунча бериш. Мазкур ўйин орқали болаларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини тарбиялаш.

Машғулот давомида болаларга дазмол электр қуввати туфайли ишлаши ҳақида түшунча бериш. Катталар дазмолдан фойдаланганларида уларнинг олдига яқин бормаслик, акс ҳолда бирор жойлари иссиқ дазмолдан куйиб қолишлари мүмкинлиги ҳақида түшунча бериш.

Дазмолдан фойдаланиш қоидалари ҳақида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

### **8-мавзу. “Кўчамиздаги чироқлар” расм иши**

Болаларга қўчадаги чироқлар мавзусида мустақил ижод қилиш учун шароит яратиб бериш. Чироқларни гуаш бўёғи билан чизиш, унинг тузилиши, жойлашишига аҳамият бериш. Мўйқалам билан ишлаш техникасини шакллантириш: мўйқаламни эркин ва ишонч билан юргиза олиш. Ишга нисбатан мустақиллик, ишонч, тартиб билан ишлашга ўргатиш. Ўз кўчаларига нисбатан муҳаббат уйғотиши.

### **9-мавзу. Пўлат Мўмин.“Чароғбон” шеърини ўқиб бериш**

Чарағбон касби ҳақидаги билимларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Чароғбон касби нечоғлиқ керак касб эканлигини болаларга тушунтириш. Болаларни шеърга қизиқтириш, шеър мазмунини тушунишларига ёрдам бериш. Чароғбон касбига бўлган муҳаббатни ошириш.

## **II-БОБ. Сувни эъзозлаш**

### **1-мавзу. “Сувни эъзозлаш” ҳақида сұхбат**

Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювениш, дехқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга ҳузур, табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш. Аҳоли кундалик эҳтиёжи учун вадопровод сувидан фойдаланиши, вадопровод суви маҳсус равишда тозаланиши, вадопровод жўмрагидан беҳудага сув оқаётган бўлса, уни тўхтатиб қўйиш зарурлиги, сувни асрашимиз кераклиги ҳақида тушунча бериш. Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақол, ҳикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтириш.

### **2-мавзу. Қўл ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш**

Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Болаларга қўл ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда кўрсатиб бериш. Қўл ювиш вақтида сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

### **3-мавзу. Тиш ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш**

Болаларга шахсий гигиена қоидалариға риоя этишни ўргатиш. Болаларга тиш ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда күрсатиб бериш. Тиш ювиш вақтида сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

### **4-мавзу. “Бола уйда ёлғиз” сұхбат**

Болаларга уйда ёлғиз қолғанларида сув кранларини очық қолдирмаслик, сувга әхтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

### **5-мавзу. “Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини ювамиз” таълимий ўйин**

Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш. Болаларга куйлакни тоза ювиш, тоза чайиш, илиб қуритиш ҳақида тушунча бериш. Куйлак қуриб бўлгач дазмоллаш кераклигини тушунтириш. Болаларга қўғирчоқни кийимини ювиш орқали сувга әхтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

### **6-мавзу. Ўсимликларини парвариш қилиш**

Болаларнинг полиз ўсимликлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Болаларнинг полиз ўсимликларига бўлган қизиқишилари ва уларни парваришлашга бўлган иштиёқларини ривожлантириш. Болаларга ўсимликларини парвариш қилишда оқар сувлардан фойдаланиш, ичимлик сувини тежаш, сувни исроф қилмаслик ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

### **7-мавзу. “Сув кимга керак?” таълимий ўйин**

Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар учун кераклиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювениш, дехқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга хузур , табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш

Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақол, ҳикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтиришда давом этиш.

## **8-мавзу. Сувни тежаш ҳақида мақолларни ўрганиш**

Сувнинг ер ва осмон оралиғида айланиши ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш. Болаларни мантиқий фикрлашга ундаш. Ичимлик сувини тежашга ўргатишида давом этиш. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик ҳар бир боланинг бурчи эканини тушунтириш. Сувни исроф қилмаслик, уни асраш борасида мақолларни мазунли расмлар орқали тушунтириш.

## **9-мавзу. Сув ва дараҳт ҳикоясини ўқиб бериш**

Болаларни сув ва дараҳт ҳақидаги ҳикояга қизиқтириш, мъйносини тушунишларига ёрдам бериш. Дараҳтнинг ўсиб унишида сувнинг аҳамияти катта эканини тушунишларига кўмаклашиш. Сувнинг ўсимликлар учун зарурлиги, табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш . Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақоллар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтириш.

### **III-БОБ. Газ ўта фойдали, лекин...**

#### **1-мавзу. “Онамиз-пазанд” сұхбат**

Болаларни ота-онасига ошхона ишларига ёрдам беришга одатлантириш. Ўзи қилган ишнинг бошқаларга фойдаси борлигини билишга, бошлаган ишини охирига етказиб, ҳаммага ёқадиган бўлишга ундаш. Мехнатнинг натижасини кўрганда қувонишни тушунтириш, меҳнатга тўғри муносабатни тарбиялаш. Ошхона асбобларидан эҳтиёткорона фойдаланишга ўргатиши. Болаларга ошхонада газдан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли мурватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш;

Газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

#### **2-мавзу. Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиши ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( гугурт, газ плитасини ёқиши, печка ёқиши)**

Болаларга уй- рўзғорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиши, печка ёқиши, электр розеткалари ва электр жихозлар билан таништириш.

Газни тушунган ҳолда қўллаганда оилалар учун ўта фойдали экани, уларнинг оила юмушларини енгиллаштириши, агарда улардан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини,

шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дархол катталарга айтиш зарурлигини билиш.

### **3-мавзу. Ўт ўчирувчилар меҳнати билан таништириш**

“Ўт ўчирувчи” касби ҳақидаги билимларни аниқлаш. Одамларни ҳавф-хатардан муҳофаза қилаётган ташкилотлар ишлари билан таништириш. Кишиларнинг мол-мулклари ва ҳаётларини ҳавф остида қолишига нималар сабаб бўлиши ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишларига эришиш. Ўт ўчиришда замонавий асбоб-ускуналар билан таништириш. Нима учун хизмат қилишини ўргатиш.

### **4-мавзу. “Ёнғин” шеърини ўқиб бериш.**

Болаларга шеърни ўқиб бериш орқали гугурт билан ўйнаш ёнғинга олиб келишини, ёнғин - ҳалокат, кулфат экани ҳақида расмлар орқали тушунча бериш. Ёнғиннинг келиб чиқиши сабаблари ва олдини олиш йўллари ҳақида тушунча бериш. Ёнғинга қарши қонун-қоидалар билан таништириш. Болаларга гугурт ўйнамаслик, газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дархол катталарга айтиш зарурлигини билишга ўргатиш.

### **5-мавзу. “Ҳаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар” сухбат**

Болаларга тасадифий вазиятлардан чиқиши учун телефондан фойдаланиш қоидаларини, таниш ва яқин инсонларнинг телефон рақамларини билишларини ўргатиш. Болаларни телефон билан ўйнашни тасодифан телефон қилишдан фарқлашга ўргатиш. Телефон орқали ҳақиқий сўзлашишни маҳсус машқларда мустаҳкамлаш ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

### **6-мавзу. “Ошхонада ” таълимий ўйин**

Ошхона идишлари ва анжомларини (газ плитаси, козон, капкир, чўмич) фарқлашга, номларини тўғри айтишга ўргатиш. Ўйин давомида ошхонада болаларга қатъиян тақиқланган нарсаларни: гугурт ўйнамаслик, газ плитасини ёқмасликни тушунтириш.

### **7-мавзу. “Қўғирчоқ Лолаҳонни овқатлантирамиз” таълимий ўйин**

Болаларни овқатланиш одобига ўргатиш. Болаларни овқатланиш вақтида ишлатиладиган анжомлар билан таништириш ва сўз лугатини бойитиш. Ўйин давомида ошхонада болаларга қатъиян тақиқланган нарсаларни: гугурт ўйнамаслик, газ плитасини ёқмасликни тушунтириш.

## **8-мавзу. «Тежамкорлик- яхши одат» сұхбат**

Тежаш - бу нарсаларни исроф қилмаслик, уни қадрлаш, ҳар бир буюмни ўз меъерида ишлата билиш эканлиги. Исрофгарчиликка йўл қўймаслик, режалилик ҳар бир оиласа қут-барака, баҳт-саодат олиб келиши. Исрофгарчиликнинг охири ночорлик, хор-зорликка олиб келишишини ривоят, ҳикоятлар орқали тушунтириш.

**Мактабгача таълим муассасаларида "Тежамкорлик сабоқлари"  
дастури бўйича мужассам машғулотларнинг режаси ва мазмуни**

### **Мактабга тайёрлов гурӯҳ**

T/P	<b>Мавзулар</b>
<b>I-БОБ. Чароғон хонодон</b>	
1	Электр токи, уни қаердан олинади?
2	Электр жиҳозлари ва уларга эҳтиёткорлик чоралари
3	Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( электр розеткалари ва электр жиҳозлар)
4	Электр токини тежаймиз
5	“Чороғбон” касби билан таништириш
6	“Бола уйда ёлғиз” сұхбат
7	“Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини дазмоллаймиз” таълимий ўйин
8	“Кўчамиздаги чироқлар” расм иши
9	Пўлат Мўмин.“Чороғбон” шеърини ўқиб бериш
<b>II-БОБ. Сувни эъзозлаш</b>	
1	“Сувни эъзозлаш” ҳақида сұхбат
2	Қўл ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш
3	Тиш ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш
4	“Бола уйда ёлғиз” сұхбат
5	“Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини ювамиз” таълимий ўйин
6	Хона ўсимликларини парвариши қилиш
7	“Сув кимга керак?” таълимий ўйин
8	Ў.Хошимов “Томчи ҳақида эртак”
9	Сувни асраш ҳақида мақолларни ўргатиш
<b>III-БОБ. Газ ўта фойдали, лекин...</b>	
1	“Онамиз-пазанда” сұхбат
2	Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш)
3	Ўт ўчирувчилар меҳнати билан таништириш
4	“Ёнғин” шеърини ўқиб бериш
5	“Ҳаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар” сұхбат
6	“Оила” таълимий ўйин

7	“Құғирчоқ Лолахонни овқатлантирамиз” таълимий үйин
8	«Тежамкорлик- яхши одат» сұхбат

## I-БОБ. Чароғон хонодон

## **1-мавзу. Электр токи, у қаердан олинади?**

Болаларга электр токи, у қаердан олиниши ҳақида қисқача маълумот бериш. Катталар меҳнатини қадрлаш, чироқни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёкиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатишда давом этиш.

Машғулот давомида ўтмишдаги ёритиш тизимларини (шагам, пилик, керосинли лампалар), улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиш. Коронгиликда улардан фойдаланиш тажрибасини ўtkазиш орқали, чироқнинг қанчалик қулайлигини, уларнинг орасидаги фарқни, қанча меҳнат кетишини уларга тушунтиришга қаратиш.

**2-мавзу. Электр жиҳозлари ва уларга эҳтиёткорлик чоралари**

Болаларга электр жиҳозлари, уларнинг электр куввати орқали ишлаши ҳақида тушунча бериш. Болаларни электр токига нисбатан эҳтиёткорона муносабатларини тарбиялаш ҳамда электр токини тежашга ўргатишда давом этиш.

Қатъяян тақиқланган нарсалар электр розеткалари ва электр жиҳозларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва бу нарсалардан болаларнинг фойдаланишлари қатъяян ман қилингандиги ҳақида огоҳлантириш.

Болалар ҳар қандай вазиятда ҳам мустақил равишида электр жиҳозларидан фойдаланиши, қеёёйиёттеги таъсирни сиздириши мүмкун эмаслигини тушунтириш. Йиғозлардан давомида турли бадиий асарлар, ўйинлардан биёнлардан баштап ойнайды.

**3-мавзу. Айрим нарсаларга түғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( электр розеткалари ва электр жихозлар)**

Болаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёкиш, печка ёкиш, электр розеткалари ва электр жихозлар билан таништириш.

Болаларга гугурт, газ плитасини ёкиш, печка ёкиш, электр розеткалари ва электр жиҳозларәаі фақатгина катталар фойдаланиши мүмкінлигини тушунтириш. Бу нарсалардан болаларнинг фойдаланышлари қатъяян ман қилингандыктың ҳақида огохлантириш. Бола ҳар қандай вазиятда ҳам мустакил равишда гугурт ишлатишида, газ плитасини ёкиши, электр жиҳозларидан фойдаланиши, ,көеәаі ýёйеәд юәеәа ўқеіеәөөеәд мүмкін эмаслигини тушунтириш йағорғоёй давомида турли бадий асарлар, ўйинлардан ôйеәаеіеө.

#### **4-мавзу. Электр токини тежаймиз**

Болаларга электр токига нисбатан әхтиёткорона муносабатни тарбиялаш, электр токини тежашга ўргатиши. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёкиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатишида давом этиши.

#### **5-мавзу. “Чароғбон” касби билан таништириш.**

Болаларни чароғбон касби ҳақидаги билимларни аниклаш ва кенгайтириш. Чароғбон бўлиш учун нима иш қилиш керак, чароғбон қандай фазилатларга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги билимларни кенгайтириш. Чароғбон касбига бўлган муҳаббатни ошириш.

#### **6-мавзу. “Бола уйда ёлғиз” сұхбат**

Боллаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъяян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёкиш, печка ёкиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар билан таништириш.

Болалар ёшини инобатга олган ҳолда әхтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш керак бўлган нарсалар: игна, қайчи, пичоқ;

Телевизордан фойдаланилганда унинг олдига яқин бормаслик, унинг муруватларини бекорга босмаслик, телевизорни яқиндан кўриш кўзга ёмон таъсир кўрсатиши ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Бола уйда ёлғиз мавзусида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориши.

#### **7-мавзу. “Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини дазмоллаймиз” таълимий ўйин**

Болаларга дазмол, дазмол қилиш, дазмолланган кийимлар сип-силлик, чиройли бўлиши ҳақида тушунча бериш. Мазкур ўйин орқали болаларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини тарбиялаш.

Машғулот давомида болаларга дазмол электр қуввати туфайли ишлаши ҳақида тушунча бериш. Катталар дазмолдан фойдаланганларида уларнинг олдига яқин бормаслик, акс ҳолда бирор жойлари иссиқ дазмолдан куйиб қолишлари мүмкінлиги ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Дазмолдан фойдаланиш қоидалари ҳақида ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

### **8-мавзу. “Кўчамиздаги чироқлар” расм иши**

Болаларга кўчадаги чироқлар мавзусида мустақил ижод қилиш учун шароит яратиб бериш. Чироқларни гуаш бўёғи билан чизиш, унинг тузилиши, жойлашишига аҳамият бериш. Мўйқалам билан ишлаш техникасини шакллантириш: мўйқаламни эркин ва ишонч билан юргиза олиш. Ишга нисбатан мустақиллик, ишонч, тартиб билан ишлашга ўргатиш. Ўз кўчаларига нисбатан муҳаббат уйғотиш.

### **9-мавзу. Пўлат Мўмин.“Чароғбон” шеърини ўқиб бериш**

Чироқчилик касби ҳақидаги билимларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Чироқчилик касби нечоғлиқ керак касб эканлигини болаларга тушунтириш. Болаларни шеърга қизиқтириш, шеър мазмунини тушунишларига ёрдам бериш. Чироқчилик касбига бўлган муҳаббатни ошириш.

## **П-БОБ.Сувни эъзозлаш**

### **1-мавзу. “Сувни эъзозлаш” ҳақида сухбат**

Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювениш, дехқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асрар, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслиқ, сувни исроф қиласлиқ, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга ҳузур, табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш Сувни исроф қиласлиқ, уни асрарга оид мақол, ҳикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтириш.

### **2-мавзу. Қўл ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш**

Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Болаларга қўл ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда кўрсатиб бериш. Қўл ювиш вақтида сувни исроф қиласлиқ, сувни тежаш ҳақида тушунча беришда давом этиш.

### **3-мавзу. Тиш ювиш вақтида сувни тежашга ўргатиш**

Болаларга шахсий гигиена қоидаларига риоя этишни ўргатиш. Болаларга тиш ювиш қоидасини тушунтириш ва амалда кўрсатиб бериш. Тиш ювиш вақтида сувни исроф қиласлиқ, сувни тежаш ҳақида тушунча беришда давом этиш.

#### **4-мавзу. “Бола уйда ёлғиз” сұхбат**

Болаларга уйда ёлғиз қолғанларида сув кранларини очық қолдирмаслик, сувга әхтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

#### **5-мавзу. “Қўғирчоқ Лолаҳонни кийимини ювамиз” таълимий ўйин**

Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш. Болаларга куйлакни тоза ювиш, тоза чайиш, илиб қуритиш ҳақида тушунча бериш. Куйлак қуриб бўлгач дазмоллаш кераклигини тушунтириш. Болаларга қўғирчоқни кийимини ювиш орқали сувга әхтиёткорлик муносабатда бўлиш, сувни исроф қилмаслик, сувни тежаш ҳақида тушунча бериш.

#### **6-мавзу. Ўсимликларини парвариш қилиш**

Болаларнинг полиз ўсимликлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш. Болаларнинг полиз ўсимликларига бўлган қизиқишилари ва уларни парваришлишга бўлган иштиёқларини ривожлантириш. Болаларга ўсимликларини парвариш қилишда оқар сувлардан фойдаланиш, ичимлик сувини тежаш, сувни исроф қилмаслик ҳақида тушунча бериш.

#### **7-мавзу. “Сув кимга керак?” таълимий ўйин**

Сув оби- ҳаёт эканлиги, сув инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар учун кераклиги, сув бўлмаса ҳаёт бўлмаслиги, инсонларнинг ундан ичиш, ювиниш, дехқончилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳоказоларда фойдаланиши. Сувни асраш, оқар ариқларни тоза сақлаш, ахлат ташламаслик, сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини тушунтириш. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарурлиги, инсонга ҳузур , табиатга гўзаллик бағишлиши, энг бебаҳо бойлик эканлиги ҳақида тушунча бериш Сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақол, хикоялар айтиб бериш, расмлар орқали тушунтиришда давом этиш.

#### **8-мавзу. Ў.Хошимов “Томчи ҳақида эртак”**

Болаларни адабий эртакка қизиқтириш, маъносини тушунишларига ёрдам бериш. Сувнинг ер ва осмон оролиғида айланиши ҳақида тушунча бериш. Болаларни мантиқий фикрлашга ундаш. Ичимлик сувини тежашга ўргатиши.

## **9-мавзу. Сувни асраш ҳақида мақоллар ўргатиш**

Болаларга сувни исроф қилмаслик, уни асрашга оид мақоллар айтиб бериш, мақоллар маъносини расмлар орқали тушунтириш. Болаларнинг сувни исроф қилмаслик, уни асраш кераклигини тушунишларига эришиш.

### **III-БОБ. Газ ўта фойдали, лекин...**

#### **1-мавзу. “Онамиз-пазанда” сұхбат**

Болаларни ота-онасига ошхона ишларига ёрдам беришга одатлантириш. Ўзи қилган ишнинг бошқаларга фойдаси борлигини билишга, бошлаган ишини охирига етказиб, ҳаммага ёқадиган бўлишга ундаш. Меҳнатнинг натижасини кўрганда қувонишни тушунтириш, меҳнатга тўғри муносабатни тарбиялаш. Ошхона асбобларидан эҳтиёткорона фойдаланишга ўргатиш.

Болаларга газ ажойиб ва арzon ёнилғи экани ҳақида тушунча бериш. Табиий газ захарли экани, кундалик турмушда газдан фойдаланишимз, ундан эҳтиёткор бўлиб фойдаланишимиз кераклиги ҳақида тушунча бериш. Болаларга ошхонада газдан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш;

Газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш ҳақида тушунча бериш.

#### **2-мавзу. Айрим нарсаларга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш ва улардан фойдаланишни ман қилиш.( гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш)**

Боллаларга уй- рўзгорда фойдаланишда хавф туғдирадиган нарсалар: қатъяян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жихозлар билан таништириш.

Газни тушунган ҳолда қўллаганда оилалар учун ўта фойдали экани, уларнинг оила юмушларини енгиллаштириши, агарда улардан нотўғри фойдаланилса, катта хавф туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш.

#### **3-мавзу. Ўт ўчирувчилар меҳнати билан таништириш**

“Ўт ўчирувчи” касби ҳақидаги билимларни аниқлаш. Одамларни хавф-хатардан муҳофаза қилаётган ташкилотлар ишлари билан таништириш. Кишиларнинг мол-мулклари ва ҳаётларини ҳавф остида қолишига нималар сабаб бўлиши ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишларига эришиш. Ўт ўчиришда замонавий асбоб-ускуналар билан таништириш. Нима учун хизмат

қилишини ўргатиш.

#### **4-мавзу. “Ёнғин” шеърини ўқиб бериш**

Болаларга шеърни ўқиб бериш орқали гугурт билан ўйнаш ёнғинга олиб келишини, ёнғин - ҳалокат, кулфат экани ҳақида расмлар орқали тушунча бериш. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш йўллари ҳақида тушунча бериш. Ёнғинга қарши қонун-қоидалар билан таништириш. Болаларга гугурт ўйнамаслик, газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билишга ўргатиш.

#### **5-мавзу. “Ҳаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар” сухбат**

Болаларга тасадифий вазиятлардан чиқиш учун телефондан фойдаланиш қоидаларини, таниш ва яқин инсонларнинг телефон рақамларини билишларини ўргатиш. Болаларни телефон билан ўйнашни тасодифан телефон қилишдан фарқлашга ўргатиш. Телефон орқали ҳақиқий сўзлашибни маҳсус машқларда мустаҳкамлаш ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

#### **6-мавзу. “Оила ” таълимий ўйин**

Оила ўйини орқали асосий эътиборни гугурт ўйнамаслик, газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш, газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш ҳақида болаларга тушунча бериш.

#### **7-мавзу. “Қўғирчоқ Лолаҳонни овқатлантирамиз” таълимий ўйин**

Болаларни овқатланиш одобига ўргатиш. Болаларни овқатланиш вақтида ишлатиладиган анжомлар билан таништириш ва сўз лугатини бойитиш. Ўйин давомида ошхонада болаларга қатъяян тақиқланган нарсаларни: гугурт ўйнамаслик, газ плитасини ёқмасликни тушунтириш.

#### **8-мавзу. «Тежамкорлик- яхши одат» сухбат**

Тежаш — бу нарсаларни исроф қилмаслик, уни қадрлаш, ҳар бир буюмни ўз меъёрида ишлата билиш эканлиги, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, режалилик ҳар бир оиласага қут-барака, баҳт-саодат олиб келиши ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Исрофгарчиликнинг охири начорлик, хор-зорликка олиб келишишини ривоят, ҳикоятлар орқали тушунтириш.

## **Намунавий машғулот ишланмаси**

### **Мавзу: З.Ибрагимованинг «Чироқ» ҳикоясини ўқиб бериш.**

**Мақсад:** Болаларга ҳикоя мазмунини тушунишларига эришиш. Болаларга чироқ орқали уйларимиз ёруғ, дилларимиз равшан эканини тушунтириш. Чироқни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида тушунча бериш. Кундуз кунлари чироқни ўчириш, чироқни тежаш, чироқ ёкиш тугмаларини бекорга ўйнамаслик, ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш.

#### **Керакли жиҳозлар:**

Мавзуга мос мазмунли расмлар

#### **Машғулотнинг бориши.**

Тарбиячи: Болалар, қандай уйни ёруғ уй деймиз? Чироқни қайси вақтда ёқамиз? Уйингизда ҳамма хоналарнинг чироқлари бир вақтда ёқиладими? Ким беҳуда чироқ ёқилиб туришини олдини олади?

Ҳозир мен, сизларга З.Ибрагимованинг «Чироқ» ҳикоясини ўқиб бераман. Болалар, агар ҳикояни яхшилаб эшитсангиз, ёниб турган ортиқча чироқни ўчириб қўйиши, электр токини тежаш, яъни исроф қилмаслик эканини билиб оласиз. (Тарбиячи ҳикояни ифодали ўқиб беради).

ЗАМИРА ИБРОҲИМОВА

#### **ЧИРОҚ – ЁРУҒЛИК!**

Умар билан Абдусамад баҳор келса олти ёшга тўлади. Улар қўшни яшайди, боғчага ҳам бирга боради. Ҳозир болалар гилам устига ёйилган қизил, сариқ, қўқ леголардан уйча қуришаяпти.

- Мен уйимни қуриб бўлдим. Қара, чиройлими? – деди Умар.
- Вой, росали чиройли уй қурибсан, - деди астойдил севиниб Абдусамад.
- Агар-чи, уйдаги ҳамма чироқларни ёқиб қўйсам, уй яна ҳам чиройли, ёп-ёруғ бўлади.
- Мен уйдаги ҳамма чироқни баравар ёқмайман. Дадам, “Чироқни ўчириб юргин. Электр токини исроф қилма!” деганлар.
- Ҳм-м, даданг, ёп-ёруғ уйни ёмон кўрар эканлар-да, - деди Умар масҳаралагандек.
- Ҳеч ҳамде. Ўзинг ёмон кўрасан. Мени дадам ёруғ уйни росали яхши кўрадилар, - деди жаҳланиб Абдусамад.
- Нега бўлмаса чироқни ўчириб юр!, - дейдилар.
- Чироқ бекорга ёниб турса, у исроф бўлади-ку, шуни ҳам билмайсанми?
- Кўп-п чироқ ёниб турса, ҳамма жой чарақлаб кетади, билдингми?- деди бўш келмай Умар.

Тортишувга зимдан қулоқ солиб турган боғча тарбиячиси – Башорат опа болаларнинг ёнига келди, қатор турган кичик курсичалардан бирига ўтириди.

- Умаржон, болажоним, чараклаган, ёп-ёргүй уйни, ёруғликни биз ҳаммамиз яхши кўрамиз. Тўғрими, болажонлар.

Атрофда тўпланиб турган болалар “Тўғри!” деб тасдиқлашди.

- Лекин, асалтойларим, Абдусаматга дадаси жуда яхши, керакли нарсани ўргатиби. Электр токини тежаш керак. Шунда уйимиз ҳамиша ёргу бўлади.
- Тежаш... нима у? – ҳайрон бўлиб сўради Умар.
- Ёниб турган ортиқча чироқни ўчириб қўйсанг, электр токини тежайсан, яъни исроф қилмаган бўласан, - деди Башорат опа жилмайиб.
- Жўмракдан оқиб ётган сувни ўчириб қўйсак, сувни тежаган бўламиш-а, Башорат опа, - деди Муниса.
- Баракалла, ширин қизим! Сув, электр токи, овқатларимизни пиширадиган, чойимизни қайнатадиган табиий газ бизга беришган улуғ неъматлардан биридир. Уларни исроф қилмай, тежаб ишлатиш энг яхши одатлардан бири ҳисобланади. Сизлар яхши, чиройли одатларга амал қилишни ёқтирасизми?
- Мен ёқтираман, - деди Умар.
- Мен ҳам яхши боламан, - деди қўзлари чақнаб Ҳасан.

Гуруҳдаги бошқа болалар ҳам қувноқлик билан уларнинг гапига қўшилди.

- Ундей бўлса, келинглар, биргаликда қайтарамиз. Башорат опа дона-дона қилиб, аста такрорлади:
- Чироқ – ёруғлик! Сув - хаёт! Биз ҳаётни, ёруғликни яхши кўрамиз. Уларни бекорга исроф қилмаймиз!

Болалар устозларининг сўзларини ўқтам овозда, баралла қайтаришиди. Бугун боғча болалари, айниқса Умаржон электр токини исроф қилмаслик ҳақида ана шундай чиройли сабоғ олди.

Ҳикоя бўйича саволлар:

1. Умар легодан нима қурди?
2. Қурилган уйни кўриб Абдусамад Умарга нима қилишни таклиф этди?
3. Умар Абдусамадга нима деб жавоб берди?
4. Боғча тарбиячиси болаларга чироқни ўчириш ҳақида нима деб тушунтирди?

- Болалар Башорат опа билан биргаликда қандай жумлаларни қайтаришди? (Чироқ – ёруғлик! Сув - ҳаёт! Биз ҳаётни, ёруғликни яхши кўрамиз. Уларни бекорга исроф қилмаймиз!)
- 5.Болалар, ҳикояни эшитиб, қандай сабоқ олдингиз?
- Тарбиячи: Баракалла болалар, сув, электр токи, овқатларимизни пиширадиган, чойимизни қайнатадиган табиий газ бизга берилган улуғ неъматлардан бири. Уларни исроф қилмай, тежаб ишлатиш энг яхши одатлардан бири ҳисобланади. Сизлар, бундан буён ёниб турган ортиқча чироқни ўчириб қўйсангиз, электр токини тежаган бўласиз, электр токи тежалгандан уйимизда ҳамиша чироқ ёниб туради. Жўмрақдан оқиб ётган сувни кўрсангиз, ўчириб қўйинг, сувни тежаган бўласиз. Сув ҳамма учун керакли неъмат. Сувсиз ўсимликлар ўсмайди, одамлар, ҳайвонлар сувсиз яшай олмайдилар. Ичимлик сувини тежаб ишлатсак, ичимлик суви ҳаммага етади, тугаб қолмайди. Доимо, ана шундай яхши одатларга амал қилинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.“Болажон”таянч дастури. Тошкент -2010йил
- 2.3. Рахимова,К.Низомова ва бошқалар “Ҳаёт хавфсизлиги асослари ” дастури ва услубий қўлланмаси. Тошкент-2006йил
- 3.А.З.Тошқўзиева “Иқтисодий билимлар сари”. Тошкент-2009йил
4. “Зумрадойлар давраси”йўриқномаси. Тошкент -2014йил

## **Мундарижа**

Кириш.....	3
Үрта гурух.....	4
Катта гурух.....	11
Мактабга тайёрлов гурухи.....	19
Фойдаланилган адабиётлар.....	29